

XI. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ


Вилоятнинг ташқи савдо айланмаси 2021 йилнинг январь–март ойларида 140 090,6 минг АҚШ долларини ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 45,0 %га ошди. Шу жумладан экспорт ҳажми 49 342,4 минг АҚШ долларига (33,1 % га кўпайган) ва импорт ҳажми 90 748,2 минг АҚШ долларига (ўзгариш суърати 52,5 %)га ошди. Ташқи савдо сальдоси минус 41 405,8 минг АҚШ долларини ташкил қилди.

Вилоятнинг ташқи савдо айланмаси (2021 йилнинг январь–март ойларида)

	<i>минг АҚШ доллари</i>	<i>2020 йилнинг январь–март ойларига нисбатан % да</i>	<i>Жамига нисбатан % да</i>
Ташқи савдо айланмаси	140 090,6	145,0	100,0
МДХ давлатлари	41 215,0	82,7	29,4
бошқа давлатлар	98 875,6	2,1 м.	70,6
Экспорт	49 342,4	133,1	100,0
МДХ давлатлари	29 987,6	127,3	60,8
бошқа давлатлар	19 354,8	143,2	39,2
Импорт	90 748,2	152,5	100,0
МДХ давлатлари	11 227,4	42,8	12,4
бошқа давлатлар	79 520,8	2,4 м.	87,6
Сальдо	-41405,8	х	х
МДХ давлатлари	18 760,2	х	х
бошқа давлатлар	-60 166,0	х	х

Маълумот учун: Вилоят товарлар ташқи савдоси статистика кўрсаткичларини шакллантиришда, Ташқи иқтисодий фаолият Товар номенклатураси (кейинги ўринларда - ТИФ ТН) билан биргаликда, Бирлашган Миллатлар Ташиқлотининг Халқаро стандартлашган савдо таснифлагичи (кейинги ўринларда - ХССТ) ишлатилади. Бу ўз навбатида таҳлилий мақсадларда экспорт ва импорт қилинадиган товарларни 10 та катта қисмга гуруҳлаш учун имкон беради. Товарларни ХССТ бўйича кодлаштириш, ТИФ ТН ва ХССТ ўртасида ўтиш калитлари ёрдамида амалга оширилади.

МДХ ва бошқа давлатларнинг вилоятда ташқи савдо айланмасидаги улуши январь-март ойлари (% да)



Вилоят резидентлари томонидан ташқи савдо операциялари асосан Осиё (жами товар айланмасидаги улуши 61,2 %), Европа (19,1 %) давлатлари билан амалга оширилган бўлиб, жами савдо айланмасининг 80,3 % ини ташкил қилди.

Вилоят ташқи савдо айланмасида юқори улушга эга давлатлар (минг АҚШ доллари)

Давлатлар	Ташқи савдо айланмаси	Экспорт	Импорт	Ташқи савдо айланмаси	
				улуши, %	ўзгариш суръати, %
Хитой	37 059,4	6 864,7	30 194,7	26,5	2,3 м.
Россия	17 515,0	10 648,8	6 866,2	12,5	54,8
Туркия	13 479,1	7 158,9	6 320,2	9,6	125,2
Қирғизистон	9973,6	9 969,2	4,4	7,1	107,6
Корея Республикаси	7 623,3	310,3	7 313,0	5,4	7,8 м.
Қозоғистон	5746,0	3 912,7	1 833,3	4,1	197,3
Бошқа давлатлар	48 694,2	10 477,8	38 216,4	34,8	198,6

Вилоятимизда ташқи савдони қўллаб-қувватлаш ҳамда МДХ давлатлари билан ушбу соҳадаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирлар натижасида 2021 йил январь-март ойларида ташқи савдо айланмасида МДХ давлатларининг улуши 29,4 % ни ташкил этди ҳамда ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 82,7 % ни ташкил қилди. Бошқа хорижий давлатларнинг вилоят ташқи савдо айланмасидаги улуши 2021 йилнинг январь-март ойларида 70,6 % ни ташкил қилган бўлса, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,1 мартага ошган.

**Худудлар кесимида 2021 йил январь-март ойларида
экспорт ҳажми
(минг АҚШ долл.)**

	Экспорт			Жамига нисбатан % улуши
	2021 йил	2020 йил	Ўтган йилга нисбатан, %	
Хоразм	49 342,4	37 080,0	133,1	100,0
<i>шаҳарлар:</i>				
Урганч ш.	8 051,8	6 376,6	126,3	16,3
Хива ш.	1 566,9	2 728,8	57,4	3,2
<i>туманлар:</i>				
Боғот	4 708,2	3 879,5	121,4	9,5
Гурлан	2 109,1	1 838,1	114,7	4,3
Қўшқўпир	3 048,8	1 902,8	160,2	6,2
Урганч	2 983,0	4 159,9	71,7	6,0
Ҳазорасп	3 493,3	1 665,8	2,1 м.	7,1
Тупроққалъа	1 142,7	-	-	2,3
Хонқа	5 438,2	4 792,0	113,5	11,0
Хива	2 873,8	1 992,7	144,2	5,8
Шовот	6 541,7	799,3	8,2 м.	13,3
Янгиариқ	4 879,9	1 478,3	3,3 м.	9,9
Янгибозор	2 168,8	4 672,3	46,4	4,4


1) Худудлар бўйича тақсимланмайдиган ҳажмни қўйган ҳолда

**Худудлар кесимида 2021 йил январь-март ойларида
импорт ҳажми
(минг АҚШ долл.)**

	<i>Импорт</i>			<i>Жамига нисбатан % улуши</i>
	<i>2021 йил</i>	<i>2020 йил</i>	<i>Ўтган йилга нисбатан, %</i>	
Хоразм	90 748,2	59 503,1	152,5	100,0
<i>шаҳарлар:</i>				
Урганч ш.	18 714,4	16 048,9	116,6	20,6
Хива ш.	6 004,3	1 004,5	6,0 м.	6,6
<i>туманлар:</i>				
Боғот	5 232,7	1 408,9	3,7 м.	5,8
Гурлан	1 164,6	1 563,8	74,5	1,3
Қўшқўпир	2 071,7	1 171,2	176,9	2,3
Урганч	4 440,5	5 086,3	87,3	4,9
Ҳазорасп	3 038,2	23 178,6	13,1	3,3
Тупроққалъа	37 711,4	-	-	41,6
Хонқа	3 341,2	2 395,0	139,5	3,7
Хива	3 435,1	684,1	5,0 м.	3,8
Шовот	3 215,9	3 329,7	96,6	3,5
Янгиариқ	1 627,3	3 324,3	49,0	1,8
Янгибозор	746,7	305,5	2,4 м.	0,8


1) Худудлар бўйича тақсимланмайдиган ҳажмни қўшган ҳолда

**Товар ва хизматларнинг ойлик
экспорт-импорт кўрсаткичлари динамикаси**
(млн. АҚШ доллари)



Товар ва хизматлар экспорт-импорт ҳажмларининг таҳлилига асосан, 2021 йилнинг январь-март ойларида экспорт ҳажми 49,3 млн. АҚШ долларни, импорт ҳажми 90,7 млн. АҚШ долларини ташкил қилди.

Товар ва хизматлар экспортининг ўзгариш суръатлари динамикаси
(ойлар кесимида ўтган йилга нисбатан,%)




Шунингдек, товар ва хизматлар экспорти ўзгариш суръатларининг таҳлилига асосан, 2021 йилнинг январь-март ойларида экспорт қилинган товар ва хизматлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 33,1 % га кўпайган.

МДХ ва бошқа хорижий давлатларга экспорт таркиби

ХССТ таркиби	минг. АҚШ долл.			Умумий ҳажмга нисбатан, % да		
	Жами	МДХ давлатлари	Бошқа давлатлар	Жами	МДХ давлатлари	Бошқа давлатлар
Жами экспорт	49 342,4	29 987,6	19 354,8	100,0	100,0	100,0
<i>шу жумладан:</i>						
Озиқ-овқат маҳсулотлари ва тирик ҳайвонлар	14 392,0	11 161,6	3 230,4	29,0	37,3	16,7
Ичимликлар ва тамаки	-	-	-	-	-	-
Ноозик-овқат хом ашё ёқилғидан ташқари	2 938,8	599,3	2 339,5	6,0	2,0	12,1
Минерал ёқилғи, ёғлаш мойлари ва шунга ўхшаш материаллар	29,7	29,4	0,3	0,1	0,1	0,0
Ҳайвон ва ўсимликлар мойлари (ёғлари), ёғлар ва мумлар	68,9	68,9	-	0,1	0,2	-
Кимёвий воситалар ва бошқа тоифаларга киритилмаган шунга ўхшаш маҳсулотлар	149,4	149,4	-	0,3	0,5	-
Асосан материал турига қараб классификацияланган саноат товарлари	25 296,1	12 091,6	13 204,5	51,0	41,0	68,2
Машиналар ва транспорт асбоб-ускуналари	196,4	196,4	-	0,4	0,7	-
Турли хил тайёр буюмлар	4 125,3	4 061,1	64,2	8,4	13,5	0,3
Хизматлар	2 145,8	1 629,9	515,9	4,7	4,7	2,7

МДХ мамлакатлари ва бошқа мамлакатларга экспортнинг йўналиши бўйича фарқланишлар мавжудлиги кузатилмоқда. Хусусан, МДХ мамлакатларига экспортнинг асосий қисми озиқ-овқат маҳсулотлари ва тирик ҳайвонлар ҳиссасига тўғри келмоқда.

ХССТ бўйича экспорт таркиби (минг АҚШ доллари)



Озиқ-овқат маҳсулотлари ва тирик ҳайвонлар	Кимёвий воситалар ва бошқа тоифаларга киритилмаган шунга ўхшаш маҳсулотлар
Ичимликлар ва тамаки	Асосан материал турига қараб классификацияланган саноат товарлари
Нооziқ-овқат хом-ашё ёқилғидан ташқари	Машиналар ва транспорт асбоб-ускуналари
Минерал ёқилғи, ёғлаш мойлари ва шунга ўхшаш материаллар	Турли хил тайёр буюмлар
Ҳайвон ва ўсимликлар мойлари (ёғлари), ёғлар ва мумлар	Хизматлар

Экспорт таркибида товар ва хизматлар ҳажми 49 342,4 минг АҚШ долларни ташкил этиб, энг юқори ҳажм, асосан материал турига қараб қлассификацияланган саноат товарлари (25 296,1 минг АҚШ доллари) ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари ва тирик ҳайвонлар (14 392,0 минг АҚШ доллари) ҳиссасига тўғри келмоқда.

МДХ ва бошқа хорижий давлатларга импорт таркиби

ХССТ таркиби	минг. АҚШ долл.			Умумий ҳажмга нисбатан, % да		
	Жами	МДХ давлатлари	Бошқа давлатлар	Жами	МДХ давлатлари	Бошқа давлатлар
Жами импорт	90 748,2	79 520,9	11 227,4	100,0	100,0	100,0
<i>шу жумладан:</i>						
Озиқ-овқат маҳсулотлари ва тирик ҳайвонлар	31 909,4	28 937,6	2 971,7	35,1	36,4	26,4
Ичимликлар ва тамаки	7,8	-	7,8	0,0	-	0,1
Нооziқ-овқат хом ашё ёкилғидан ташқари	5 239,8	1 067,5	4 172,3	5,8	1,3	37,2
Минерал ёкилғи, ёғлаш мойлари ва шунга ўхшаш материаллар	792,9	330,0	462,9	0,9	0,4	4,1
Ҳайвон ва ўсимликлар мойлари (ёғлари), ёғлар ва мумлар	52,4	-	52,4	0,1	-	0,5
Кимёвий воситалар ва бошқа тоифаларга киритилмаган шунга ўхшаш маҳсулотлар	5 308,5	4 430,4	878,1	5,8	5,6	7,8
Асосан материал турига қараб классификацияланган саноат товарлари	3 991,1	2 910,7	1 080,4	4,4	3,7	9,6
Машиналар ва транспорт асбоб-ускуналари	31 906,0	30 953,4	952,6	35,2	38,9	8,5
Турли хил тайёр буюмлар	11 540,4	10 891,4	649,0	12,7	13,7	5,8

Импорт таркибида товарлар ҳажми 90 748,2 минг АҚШ долларни ташкил этиб, энг юқори ҳажм озиқ-овқат маҳсулотлари ва тирик ҳайвонлар (31 909,4 минг АҚШ доллари), машиналар ва транспорт асбоб-ускуналари (31 906,0 минг АҚШ доллари) ҳиссасига тўғри келмоқда.

ХССТ бўйича импорт таркиби (минг АҚШ доллари)




Товарлар ва хизматлар импортининг ўзгариш суръатлари динамикаси (ойлар кесмида ўтган йилга нисбатан, %)




Шунингдек, товарлар импорти ўзгариш суръатларининг таҳлилига асосан, 2021 йилнинг январь-март ойларида импорт қилинган товарлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 52,5% га ошди.

Вилоят импортида асосий ҳамкор давлатларнинг улуши

**2020 йил
январь-март**



**2021 йил
январь-март**



Россия	Хитой
Хитой	Бразилия
Бразилия	Корея Республикаси
Туркия	Россия
Хиндистон	Туркия
Латвия	Германия
Бошқа давлатлар	Бошқа давлатлар

2021 йилнинг январь-март ойларида вилоятга 38 та хорижий давлатлардан товар импорти амалга оширилган. Шулардан 6 та энг йирик бўлган Хитой Халқ Республикаси, Бразилия, Корея Республикаси, Россия Федерацияси, Туркия ҳамда Германия ҳамкор давлатларидан жами импорт ҳажми 80 067,0 минг АҚШ доллариға тенг. Бу эса умумий импорт ҳажмининг 88,2% ини ташкил қилади.

Вилоятимизда ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш борасида амалга ошириладиган кенг қамровли ислохотлар ва дунё мамлакатлари билан олиб бориладиган мустаҳкам алоқалар натижасида вилоятимизнинг экспорт салоҳияти ошиб бормоқда.

Шунингдек, ҳукуматимиз томонидан бир қатор солиқ, божхона имтиёзларининг яратилиши, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқарилиши миллий маҳсулотларимизни ташқи бозорларда мустаҳкам ўрин эгаллашлари учун замин яратмоқда.